

BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY

Volume 2019 | Issue 2

Article 4

6-29-2019

DIFFERENT CRYPTOPHITES OF THE AHANGARAN BASIN AND THEIR MODERN ENVIRONMENTAL CONDITION

I.T. Azimov

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

F. Saydamatov

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

H. Toshpulatova

Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>

 Part of the [Biology Commons](https://www.biologycommons.org/)

Recommended Citation

Azimov, I.T.; Saydamatov, F.; and Toshpulatova, H. (2019) "DIFFERENT CRYPTOPHITES OF THE AHANGARAN BASIN AND THEIR MODERN ENVIRONMENTAL CONDITION," *BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2019/iss2/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in BULLETIN OF GULISTAN STATE UNIVERSITY by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК 586. 5/7

ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИДА ТАРҚАЛГАН КРИПТОФИТ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХИЛМА - ХИЛЛИГИ ВА ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

И.Т. Азимов, Ф.Сайдамаатов, Н. Тошпўлатова

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 100070.Тошкент шаҳри

E-mail: farhod_saydamatov73@mail.ru

Abstract

DIFFERENT CRYPTOPHYTES OF THE AHANGARAN BASIN AND THEIR MODERN ENVIRONMENTAL CONDITION

I.T.Azimov, F.Saydamatov, N.Toshpulatova

This article is devoted to a brief description of the vegetation cover of the Akhangaran river basin and provides information on the widespread types of cryptophytes. The article gives the species composition and phytocenology of cryptophytes, the laws of distribution, the ecological state and the factors influencing them.

Keywords: geobotany, ecology, plant cover, cryptophytes, nodule, bulbous, rhizomatous,

Аннотация

РАЗНООБРАЗЫЕ КРИПТОФИТОВ АХАНГАРАНСКОГО БАСЕЙНА И ИХ СОВРЕМЕННЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ СОСТОЯНИЕ

И.Т. Азимов, Ф.Сайдамаатов, Н. Тошпўлатова

Статья посвящена краткой общей характеристике растительного покрова бассейна реки Ахангарана. В ней приведены сведения о широко распространенных видах криптофитов. В работе дано видовой состав и фитоценология криптофитов, законы распространения, экологическое состояния, а также факторы оказывающие на них влияние.

Ключевие слова: геоботаника, экология, растительный покров, криптофиты, клубеньковые, луковичные, корневишные.

Аннотация

ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИДА ТАРҚАЛГАН КРИПТОФИТ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ХИЛМА - ХИЛЛИГИ ВА ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

И.Т. Азимов, Ф.Сайдамаатов, Н. Тошпўлатова

Ушбу мақолада Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг қисқача умумий таснифи ва ҳавзада кенг тарқалган криптофит ўсимликлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳавзадаги криптофит ўсимликларнинг турлар хилма-хиллиги ва уларнинг фитоценологияси, тарқалиш қонуниятлари, экологияси ҳамда уларга таъсир кўрсатаётган омиллар ҳақидаги маълумотлар очиқ берилган.

Калит сўзлар: геоботаника, экология, ўсимликлар қоплами, криптофит, тугунак, пиёзбошли, илдизпояли

Ҳозирги кунда республикаимизда ўсимликлар қоплами ҳолатини баҳолаш, яйлов ва пичанзорларда фитоценотик тадқиқотларни амалга ошириш, деградацияга учраган майдонларни қайта тиклаш ёки консервация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада йирик тоғ-ўрмон кўриқхоналарининг ўсимлик қоплами хариталарини тузиш, чўл яйловлари ҳолатини баҳолаш ва инкирозга учраган яйловлар ҳолатини амалий яхшилаш юзасидан маълум натижаларга

эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарориди «... яйлов ва пичанзорлар деградациясининг олдини олиш мақсадида геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Оҳангарон дарё ҳавзаси ўсимликлар қопламининг фитоценотик тузилишини аниқлаш, трансформация даражасини баҳолаш, қопламдан оқилона фойдаланиш истиқболларини белгилаш, инвентаризацион харитасини тузиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга вазифалардан ҳисобланади.

Маълумки, криптофит ўсимлик турларининг кўпчилиги доривор, зиравор, хомашёбоп, ем-хашак ўсимликлар бўлиб, улардан режасиз фойдаланиб келинишини натижасида кўпчилик турларининг сони кескин камайиб бормоқда. Шу сабабли уларнинг тўлиқ рўйхатини тузиш, турлар хилма-хиллигини, биологиясини, тарқалиш ҳудудларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳада олиб борилган илмий тадқиқот ишлари – ўсимликлар табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини режалаштириш учун илмий асос бўлади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот ишлари объекти сифатида Оҳангарон ҳавзаси ҳудудида ўсимликлар қопламида тарқалган криптофит ўсимликлар олинди. Оҳангарон ҳавзаси Наманган, Тошкент вилоятлари ҳудудига қарашли энг йирик табиий – географик райондир (майдони 6226 км²). Ҳавзада барча баландлик минтақалари учраб, улардаги ўсимлик қопламларининг флористик ва фитоценотик таркиби хилма-хилдир. Ўсимлик турларини аниқлашда ботаника фанида қўлланилаётган анъанавий методлардан ҳамда ЎзФА Ботаника илмий тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган “Florus Uz” тизимидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Криптофитларга пиёзбошли, илдизпояли, тугунакли ва илдизида захира озик моддалар тўплайдиган (илдизмевали) ўсимлик турлари киради (Реймерс, 1991). Улар униш куртаклари ва захира озуқа моддаларини тўплайдиган шакли ўзгарган ер ости органлари тупроқ остида жойлашган кўп йиллик ўсимликлардир. Шу сабабли ҳам бу ҳавза ўсимликлар қопламини ўрганиш кўплаб олимлар эътиборини тортиб келган.

Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламининг Ўрта Осиё ёки Фарбий Тиёншон ўсимликлар қоплами таркибида Е.П. Коровин (1962), З.А. Майлун (1969), В.Н. Павлов (1980) ва Н.И. Акжигитова (1984) лар ўрганишган. Чирчиқ – Оҳангарон ҳавзаларининг ўсимликлар қоплами таркибига қўшиб эса Ш.Камалов (1969), А.Я. Бутков (1969), Р.С. Верник (1969), Р.С. Мельникова (1986) лар томонидан тадқиқотлар олиб борилиб, фитоценотик хилма-хиллиги ўрганилган (Азимов, Норбобоева, 2003).

Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламининг геоботаник хариталарини тузиш борасида Е.П. Коровин (1962) Ўрта Осиё ўсимликлар қоплами хариталарида Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қоплами ҳақидаги маълумотларни К.З. Закиров ва И.Ф. Момотовлар Ўзбекистон ўсимликлар қоплами харитаси таркибида ҳавза ҳақидаги маълумотлар беришган. Флоранинг умумий таркиби бўйича С.Е. Коровин (архив маълумотлари), К.Ш. Тожибаев, И.И. Мальцевларнинг илмий тадқиқот ишларидан топиш мумкин (Азимов, Норбобоева, 2003).

Е.П.Коровин (1962) маълумотида кўра Оҳангарон ҳавзасида 914 тур учраши қайд этилган. У Ўзбекистон флорасини систематик ва экологик таркибини таҳлил қилиб, уларнинг 247 тури криптофит эканлигини қайд этган. Оҳангарон ҳавзасида ҳам криптофит ўсимликларнинг учраши тадқиқот натижаларида аниқланган.

Е.П.Коровин (1962) Тошкент Олатоу худудидаги ҳавзаларда тарқалган ўсимлик жамоаларининг таркибини 73 (10-15%) криптофит ўсимликлар ташкил этишини таъкидлаган. Ҳавза ўсимликлар жамоалари таркибида учрайдиган турлар ҳаётий шаклига кўра тавсифланганда 45 турдан ошиқроғи криптофитлардан иборат эканлиги аниқланди.

Оҳангарон ҳавзасида кенг тарқалган криптофит ўсимликларга лола, чучмома, бойчечак, ширач, шаир, етмак кабиларни мисол қилиш мумкин.

Қуйида Оҳангарон ҳавзасида учрайдиган криптофит ўсимликлар рўйхати келтирилмоқда:

Allochrysa gynsophyloioles – мыльный корень, етмак, халва, бех;

Fllium drepanophyllum- лук серполистный, ўроксимон барчин пиёз;

Alliumanistopalum- лук неравноподальный, ёввойи пиёз;

A. oreophilum- лук горлюбивый, тоғ пиёзи;

A. verticillatum – лук мутовчатый, ғужбарг пиёз

A.stipitatum- лук стебельчатый, поядор пиёз;

Bunium chaerrophulloioles – буниум бутеноподобный, ҳашаки зира;

Tulipa Vvedenskiy- тюльпан Введенского, Введенский лоласи;

T.mogoltavika- тюльпан моголтавский, могол тоғ лоласи;

T.olivia- тюльпан сомнительный, глұбқали лола;

T. Korolkoviy- тюльпан Королькова, Королков лоласи;

T.Greigii- тюльпан Грейга, Грейг лоласи;

T. bifloriformus- тюльпан ложнодвухцветковый, икки гулли лола;

Gogea minutiflora – гусиный лук мелкоцветный, майда гулли бойчечак

G.dshungarica- гусиный лук, джунгарский, жунғор кутка сочи;

G. Olgaе- гусиный лук Ольги, Ольга бойчечаги;

G. Popovii- гусиный лук Попова, Попов бойчечаги;

G. gageoides- гусиный лук луковичный, пиёзли бойчечак;

Crocus korolkovii- шафран Королькова, Корольков заъфарони;

C.alatovicus-шафран алатавский, Алатау заъфарони;

Iris songorica- ирис жунгарский, жунғор кутка сочи;

I.korolkovii- ирис Королькова, Корольков кутка сочи;

Eremostachys labiosa-пустынноколосник губастый, жавдар;

E. angrenica- пустынноколосник ангрениский, ангрени жавдари;

E.ilochila- пустынноколосник равногубный, тенглабли жавдари;

E.codonocalyx-пустынноколосник колокольчаточешечный, жавдар;

Eremerus regelii- ширяш Регеля, ширач;

Ferulla tenuisecta- ферула тонкорассеченная, бўйра шашир;

F.angrenii- ферула ангрениская, тоғ шаири;

F. koratavica- ферула боролдайская, шаир;

Scaligeria alaiica – скалигерия алайская, қарға оёк;

S. ugamica- скалигерия угамская, угам қарға оёғи;

S. tschimganica- скалигерия чимганская, чимён қарға оёғи;

Hordeum bulbosum-ячмень луковичный, тоғарпа;

Ixiolirion tataricum-иксолирон татарский, чучмома;

Gentiana oliveri- горечевка оливье, газакўт ва бошқалар.

Оҳангарон ҳавзасида 45 дан ортиқ криптофит ўсимликлар рўйхатга олиниб, улар асосан адир ва тоғ минтақаларида буғдойикзор, бутазор, кенг баргли ва арчазор ўрмонлар таркибида кенг тарқалгандир.

Криптофит ўсимликлардан лола, ширачлар Ўзбекистон “Қизил китоби (2009)”га киритилган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш зарурдир. Криптофит ўсимликларнинг айрим илдизпояли турларидан чорва моллари учун ем -хашак сифатида фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда ҳавза экологик ҳолатига кўплаб антропоген омил типлари: чорва сонининг меъёридан ортиқ бўлиши, ўсимлик жамоаларидан режасиз фойдаланиш, чорва моллари учун хашак тайёрлаш, доривор ўсимликларни териш, дарахт - буталарни кесиб олиш, йўллар ва сув омборлар қуриш, конлар, карьерлар, комбинатларнинг ишга туширилиши, янги ерлар очилиб, маданий ўсимликлар экилиши каби кўплаб омилларнинг атроф-муҳитга таъсир этиши ўсимлик қоплами жамоаларининг, шунингдек, криптофит ўсимликлар жамоаларига таъсир этиб, трансформация даражасини кучайтирилишига сабаб бўлмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори.
2. Азимов И.Т., Норбобоева Т. Оҳангарон ўсимликлар қопламининг фитоценотик хилма-хиллиги // Ўзбекистон биология журнали, 2004.- № 5. – Б. 62-65.
3. Верник Р.С., Мельникова Р.Д., Камалов Ш.К. Арчевники – *Arceuthodendra*/Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. В 4-х т. – Ташкент: Фан, 1984. Т.4. – С. 86-163.
4. Корвин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. Кн. 2. – Ташкент: АН РУз, 1962. – 543 с.
5. Реймерс Н.Ф. Популярный биологический словарь.- М.: Наука, 1991. – С. 232.
6. Ўзбекистон қизил китоби. Ўсимликлар. –Тошкент, 2009. – Б. 97-108.